

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ  
ТАНҚИДЧИЛИК ХАЛҚАРО ИЛМИЙ  
ФОРУМИ: ЗАМОНАВИЙ  
ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**  
халқаро илмий-амалий анжумани

**2021 йил 26-27 март**



**Бухоро**



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги  
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик  
халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар  
ва истиқболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман  
материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**Бухоро – 2021**



# ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хайдаров Анвар Аскарлович,  
Абдурахмонова Сидика Бахтиёровна  
БухДУ доценти,  
БухДУ 1-босқич магистранти,  
[sidika.abdurakhmonova@gmail.com](mailto:sidika.abdurakhmonova@gmail.com)

## Abstract

This article deals with the formation of periphrases in the English and Uzbek languages. Besides, specific lexical and semantic features of periphrases are also included in the article.

## Key words

Periphrasis, formation, phraseological periphrasis, meaning, phraseology, contextual periphrasis, figurative expression, individual, common.

## Кириш

Перифраза бир қадар ўрганилган бўлса ҳам, мазкур бирлик билан боғлиқ масалалар кўлами шунчалик кенги, ҳали бу борада кўплаб ишлар юзага келиши мумкин. Ушбу лингвистик ҳодиса жаҳон тилшунослигида кенг ўрганилган, аммо ўзбек тилшунослигида перифразалар XX асрнинг 90-йилларидан ўрганила бошланган.[5,6]. Бунгача перифраза ҳақидаги айрим маълумотлар луғатлар ҳамда ўқув кўлланмаларидаги қисқача таърифларда иборат бўлган. Ушбу лингвистик тушунчани икки тил мисолида қиёсий ўрганишга қизиқиш ортиб бормокда.

Перифразаларнинг юзага келтирувчи психолингвистик ва экстралингвистик омиллар, улардаги мотивлашув, ушбу статистик воситанинг диахрон аспекти, индивидуал-муаллифий жиҳатлари, тилнинг луғавий синонимик воситалари тараққиётига таъсири, перифразаларни изоҳли ва таржима луғатларида тақдим этиш каби муаммолар ўз ечимини топгани йўқ. Ушбу масалалар тилшунослар олдига аниқ вазифаларни кўймоқда.

Биз ушбу мақоламизда перифразаларнинг шаклланиши ва мотивлашуви ҳақида фикр юритамиз.

## Асосий қисм

Манбаларга мурожаат қилинса, О.С.Ахманованинг луғатида парафразани мақола сифатида келтириб ўтган, аммо перифраза терминини алоҳида мақола сифатида киритмаган ва перифраза терминига ишора қилиш билан кифояланган.

Перифраза тушунчасига О.С.Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” китобида шундай таъриф берилган: “Перифраза-инглизча *paraphrase, periphrasis*, яъни тасвирий ифода”. “Бирор сўзни (баъзи предметларнинг сўзлар орқали оддий ифодаланиши) тасвирий ифода билан алмаштиришдан иборат бўлган кўчим”.[2,312].

Демак, перифраза термини остида троп сифатида тан олинган кўчим турларидан бири тушунилади. Перифраза термини эса ҳар қандай



тушунча, фикр ва матн мазмунини ўз сўзи билан тасвирий ифодалаб беришга нисбатан ишлатилади. Перифразалар асл нусха ва анъанавий кўринишларга бўлинади. Мазкур меъёрдан ташқарида келса ҳам бизга тушунарли бўлган перифразалар анъанавийдир. Перифраза эркин сўз бирикмаси ёки бутун бир мавжуд нарса ёки ҳодисанинг номини олиши мумкин.

Перифразалар таснифидан ўрин олган фразеологик перифразалар тушунчаси ҳам муайян мулоҳазани юзага келтиради. Шунингдек, тилда соф ва контекстуал перифразалар мавжуд. Соф перифразаларга контекстсиз ҳеч қандай воситасиз аниқ маъно билдирувчи перифразалар келтирилади: **илм захматкашлари, осойишталик посбонлари**, каби. [1,3].

Контекстуал перифразалар маълум бир нутқ доирасида қўлланилади. У муайян контекстда яратилиб, шу контекст учунгина яшайдиган тасвирий ифодалар ҳисобланади. Масалан, **роман муаллифи, текшириш объекти, мавзу объекти** каби. Тилда шундай перифразалар ҳам борки, улар конкрет шахсларни ифодаси бўлган перифразалар асосида ўрин тутади.

Бундай прерифразалар ҳар бир тилда мавжуд, уларнинг баъзилари мантикий маъновий жиҳатидан умумбашарий хусусият касб этади, айримлари эса муайян миллат ва унинг нутқига тегишли хусусиятга эга.

Масалан: Темир хоним (Iron Lady) – Маргарет Тетчер. Натижада америкаликлар “темир хоним” ҳайкалини АҚШда ўрнатиш истагида эканликларини билдиришди.

Мазкур перифразанинг мотивлашувини куйидагича изоҳлаш мумкин. Маргарет Тетчернинг “темир хоним” перифраза билан улуғланиши тиришқоқлиги мақсадга интилишдаги изчиллиги билан боғлиқдир. Баққоллик дўкони эгасининг фарзанди бўлган қизалокнинг бир неча лақаби бўлган. Бироқ у “Темир хоним” лақаби билан дунёга танилди. 1979 йилда Бош министр лавозимини эгаллаганидан кейин унга берилган лақаб – Темир хоним перифразаси яна ҳам ўзини оқлади. Қаттиққўллик билан сиёсат юритган. Мамлакатни инқироз ҳолатидан олиб чиқиб, 20-25 %лик инфляцияни 4 % га туширди. Буюк Британия иқтисодиётида юксалиш рўй берди. [6,82/126].

Конкрет шахсларни характерловчи перифразаларда мотивлашув экстра лингвистик далилларга асосланади, улар муайян шахснинг у ёки бу фан, маданият, санъат ва спорт соҳасида эришган ютуқлари, ўрни, мавқеси асосида шаклланади.

Шунингдек, нарса-ҳодисаларни, шахсларни салбий баҳолаш асосида юзага келган перифразаларда мотивлашувни куйидаги мисолларда кўриш мумкин:

**Чегара билмас даҳшат- терроризм.**

**XX аср жаллоди – Гитлер, кабидир.**

Шахс, ўрин-жой нарса-ҳодисаларни англатувчи перифразаларда мотивлашув аниқ бўлса, баҳо семаларга нейтраллик англантилади, бироқ



уларнинг асосий қисмида ижобий баҳо семаси иштирок этади. Перифразаларнинг аксарияти ўз денотатини ижобий баҳолашга хизмат қилади, салбий баҳоловчилари нисбатан оз.

Тилда маълум нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи, конкрет нарсаларни ифодаловчи, контекстуал перифразалар мавжуд. Шунингдек, фразеологик перифразалар тилда мавжуд бўлиб, улар ҳаётий воқеалар, тарихий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва давр ўтиши билан эскириб истеъмолдан чиқиб бораверади. Ёзувчилар ўз асарларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида фразеологик перифразалардан кенг фойдаланадилар. Америкалик ёзувчи Т.Драйзернинг “Бахти қаро Керри” (Sister Carrie) асарида ёзувчи фразеологик перифразалардан унумли ва ўринли фойдаланган.

Масалан: 1) The price paid her week operated very much as a blow to Carrie's fancy.

Таржимон Э.Носиров таржимасида матндаги парча куйидагича таржима қилинган: “Иш ҳақининг ғариблиги Керрининг ширин орзуларини чиппака чиқарди”.

Матндаги “to one's fancy” ибораси орзулар чиппакга чикди ибораси орқали таржима қилинган ҳамда ушбу фразеологик иборага to one's fancy – to loose one's dream иборасида синоним сифатида ишлатилиши мумкин.

2) Carry smiled under her irristable flood of geniality - Керри бу мулозаматдан эриб кетиб, беихтиёр оғзининг таноби кочди.[4,46]. Мисоллардан кўринадики, перифразалар баъзан фразеологик ибораларнинг синоними бўлиб келиши мумкин. Тилда мавжуд контекстуал перифразалар сарлавҳалар танлашда ишлатилади.

Масалан, Green year's, Post Haste, ўзбек тилида “Ўтган кунлар” романининг муаллифи каби. Юқорида таҳлил қилинган мисолларда кўринадики, тилда мавжуд перифразалар бир қараганда фразеологизмларга ўхшашдек туюлади. Аммо улар орасида яқинлик бўлгани билан, бири-биридан фарқ қилади. Шунингдек, фразеологизмларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг турғунлигидир.

Масалан: As busy as bee; as white as a chalk; safe and sound.

### Хулоса

Шундай қилиб, перифразаларнинг узига хос хусусиятлари улар компонентларининг характериға боғлиқ бўлади. Уларнинг узига хос хусусияти мотивлашувдир. Айрим перифразаларда компонентлар ўз маъносига асосан боғланганлиги учун уларда мотивлашув аниқ бўлади, шунинг учун улар ортиқча таҳлил ва мулоҳазани талаб қилмайди. Уларнинг мотивлашувини аниқ перифразалар сифатида ажратиш мумкин. Перифразаларнинг айрим турларида компонентларнинг бири кўчма маънога эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, перифразаларнинг узига хос хусусияти шундаки, перифразалар тегишли сўзларнинг синонимларини ташкил этади,



уларнинг баъзилари луғат таркибига фразеологик бирлик тарзида киради. Бундан ташқари, перифразаларнинг маъноси кенг матнларда очилади ва тилнинг ифодавийлик хусусиятларини намоён қилади.

### Адабиётлар руйхати:

1. Айтбоев Д.Т. Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талқини. Филол.фан.номзоди диссертацияси автореферати. –Т,: 2007.-Б.3.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М,: Советская энциклопедия, 1969, - С.312.
3. Хожиев А. Лингвистик терминлар изохли луғати.- Т,: 1985 – Б.267.
4. Драйзер Т. Sister Carrie (Бахтиқаро Керри)- М,:2002.- Р:46.
5. Умиров И.Э. Ўзбек тили парафразалари. Филол. фан. номзоди. диссер. – Т,: 1996.-Б.6.
6. Интернет сайти. “Iron Lady” Железная дама. [http. www. Krugosvet, articles. 82/126](http://www.Krugosvet,articles.82/126)
7. Ҳайдаров А. Перифразаларнинг шаклланиши ва мотивлашуви. Илмий мақолалар тўплами. Бухоро “Дурдона” нашриёти. 2018.-Б.3-5.

## THE IMPORTANCE OF CORPUS LINGUISTICS IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND FOREIGN LANGUAGE ACQUISITION

Rakhmatova Mekhriniso Muhsinovna

Associate professor, Ph.D.

Usmonov Amon Aminovich

A Master Student of English Literature Department

**Abstract.** In recent years a lot of researches have been devoted to how corpus linguistics can be utilized in the process of English teaching. Having heard a declaration that corpora will revolutionize language learning, scientists all over the world became very curious to investigate for themselves the significance of corpus linguistics in an environment of both teaching and EFL (English as a foreign language) learning. This article sets out to prove that corpora are of great importance in English language teaching as they can give more accurate descriptions of language, provide with the experience of context-related meaningful language in real uses and inform deductive and inductive approaches to English teaching. Moreover, this paper aims to state that in the EFL process, students can carry out an analysis of key words, search idioms and phrases, compare different texts and etc. by using corpora.

**Key words:** Corpus linguistics, corpora, EFL learning, teaching-learning process, authentic use, concordance

**Introduction.** According to John Sinclair (2004), a corpus is a collection of pieces of language text in electronic form, selected according to external criteria to represent, as far as possible, a language or language variety as a source of data for linguistic research. The modern field of corpus linguistics – based



Husniya Zikrillayeva, Ashurova D. Umarovna, Duvlaeva Nozigul. Arab va o'zbek tilida sanoq sonlar va ularning sanalmish bilan sintaktik munosabati va atamalarning tarjiması .....	67
Tukhtakhodjayeva Zulfiya Toxtaevna, Jabborova Gulhayo Fakhriddinovna. Methodological description of phraseological units .....	74
Хайдаров Анвар Аскарлович, Абдурахмонова Сидика Бахтиёровна. Перифразаларнинг узига хос хусусиятлари.....	78
Rakhmatova Mekhriniso Muhsinovna, Usmonov Amon Aminovich. THE IMPORTANCE OF CORPUS LINGUISTICS IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND FOREIGN LANGUAGE ACQUISITION.....	81
Muminova Durdon Shukhratovna. THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES .....	85
Safarova Xurshida Salimovna. FRANSUZ TILIDAN INGLIZ TILIGA O'ZLASHGAN SO'ZLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI.	88
Azimova Muhayyo Pulatjonovna, Abdullayeva Shohida Norqulovna. METALLURGIYA SOHASI TERMINLARINING FAN SIFATIDA O'RNI VA AHAMIYATI .....	91
Хайруллаева Нодира Нейматиллоевна. МЕТАФОРА ЛИСОНИЙ ТИЛ ХОДИСАСИ ҲАМДА ТАСВИРИЙ ВОСИТА СИФАТИДА .....	93
З Вохидова Ситорабону Хурматуллоевна. НАЧЕНИЕ И РОЛЬ РОДСТВЕННЫХ ЯЗЫКОВ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ ...	97
Zarnigor Sobirova Rakhimovna. VOCABULARY STUDY OF THE TOURISM TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE .....	100
Muqimova Gulnora Rashidovna. FITOMORFLARNING STRUKTUR XUSUSIYATLARI .....	106
Zarnigor Sobirova Rakhimovna. STUDY OF THE TERMS OF TOURISM IN ENGLISH ON LEXICAL-SEMANTIC ASPECTS.....	109
Sayidova Gulruh Yoqubovna. O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA TIL KORPUSIGA BO'LGAN TALAB VA EHTIYOJ .....	117
Муродова Дилдора Арабовна. ЦВЕТОВАЯ ЛЕКСИКА В РУССКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ.....	122
Наврүзова Нигина Хамидовна. УРҒУНИНГ СЕМАНТИК -ГРАММАТИК ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	125
Sharipova Dilnoza Shavkatovna, Bobokalonov Rajab Ostonovich, Tasheva Gulmira Isroilovna. LINGUOCULTUROLOGICAL ANALYSIS OF IMAGES-SYMBOLS OF LITERARY TEXT.....	128
Abdullaeva Maftuna Adizovna. MODERN LINGUISTIC METHODS IN ENGLISH TEACHING PROCESS .....	130
Азимова Зебинисо Юсуповна. Проблема разграничения синонимии и вариантности русских пословиц.....	133